



ИЛМИЙ МАТНЛАРДА АДРЕСАНТ ВА АДРЕСАТНИНГ ИМПЛИЦИТ ИФОДАЛАНИШЛАРИ ХУСУСИДА

*Шерматов Акрам Абдуҳакимович,
СамДЧТИ доценти*

Таянч сўзлар: илмий матн, имплицит, нутқ муаллифи, адресант, адресат, сўроқ гап, олмош, эксплицит, ахборот.

Маълумки, илмий матнларда нутқ муаллифи одатда фикрни тўғри баён қилинишида ифода этилади. Нутқ муаллифининг асосий вазифаси олиб борилган ёки олиб борилаётган илмийтадқиқот ишлари борасида мухим жиҳатларни ёритиш ҳамда асосий назарий ва амалий хусусиятларни бир-бири билан уйғунлаштириш кабилардан иборат.

Муаллиф адресатга таъсир ўтказиш мақсадида қандайдир ташки, формал лингвистик усулларга мурожаат қиласди. Шу йўсинда, дейлик бирор бир асарадаги бобларнинг ярмидан кўпроғи (“Meanings of Meaning”, “Semantics and society”, “Is semantics a science?”, “Components and contrasts of meaning”, “Semantics and syntax” ва бошқалар) ўқувчи эътиборини жалб қилиши учун мўлжалланган аллитерацияланган сарлавҳалари диққатни ўзига тортади. Бундай таъсир, албатта, факат ташки хусусиятга эга ва таъсир босқичлари ҳақида гапирадиган бўлсак, дастлабки босқичнинг паст даражадаги таъсир доираси, бу ўқувчининг ишончи (belief production) эмас, балки факат унга мақсадли йўналтирилган тайёргарликдир.¹ Бундай холатда, адресант адресатга мурожаат қилишда таъсир доирасидан тўлалигича самарали фойдаланишга имконияти мавжуд.

Инглиз илмий-техник матнларида нутқнинг шахс-субъектини ошкора (эксплицит) белгилаш билан бир қаторда, яширин (имплицит) кўрсатиш мисоллари ҳам кенг миқёсда учрайди. Машхур швейцариялик тилшунос олим Ш.Балли айтганидек, “.....илмий тилни факат

онгнинг соф объектив, шахссиз фаолиятининг инъикоси сифатида катта шартлар билан кўриб чиқиш мумкин; матнларда танқидий ёндашиш, биринчи навбатда, агар ифода соф мантикий хусусиятини йўқотмасдан, фикр етарли даражада ифодаланмаган бўлса, фикрни ифодалашдаги ноаниқликларни ажратиб кўрсатиш қобилиятини талаб қиласди, иккинчидан, соф шахсий ва эмоционал элемент, ҳар нарсага қарамай, доимо соф фикр ифодасига сингиб кетиши табиий.² Илмий тил инсон фаолияти билан боғлиқ жараён ҳисобланади. Бунда илмий тил назарий жиҳатдан тўлалигича тилнинг мантикий хусусиятлари билан бевосита боғлиқликда иш кўради.

Нутқ ва акл-идрокнинг бир-бирига бўлган муносабати ҳақида гапирганда, биринчидан, нутқ акл-идрокимиз, бошқача айтганда гояларимиз фаолиятини ифодалайди. Нутқ руҳий ҳаётимизнинг интеллектуал соҳасини объективлаштириш билан ойдинлашади (бироқ, бу ягона ва асосий вазифа эмас).³ Инсон берилган бирор фикрга нисбатан ўз фикрини “фикрга қўшилган”, “фикрга қўшилмаган”, “фикрга карши” каби холатлар билан изоҳлайди. Бу эса, ўз навбатида, нутқ ва акл-идрокнинг бир-бири билан чамбарчас боғлиқ эканлигидан далолат бериши табиий.

Маълумки, одатда ҳар қандай нутқ ифода этиш усулида ёки эксплицит (яни ифода этилган аниқ, равшан ва очик фикр) ёки имплицит (ифода этилган фикр яширин) ҳолатда берилади.

² Балли Ш. Французская стилистика. –М.: УРСС, 2001. – С. 144.

³ Балли Ш. Французская стилистика. –М.: УРСС, 2001. – С. 22.

¹ Цвиллинг М.Я. Функциональные стили и лингвометодические аспекты. –М.: Наука, 1985. -С. 23.



Имплицит маълумот фикрни ифодаланишида турлича сабабларга кўра талқин қилиниши мумкин: 1) бирор-бир тил тузилишининг ўзига хос хусусиятларига кўра, 2) матннинг бошқа қисмида ифода этилганлиги ва қийинчиликларсиз қайта тикланганлиги боис, 3) бирор-бир коммуникатив ситуацияда маълум бўлишида, бошқача айтганда, коммуникатив харакат иштирокчиларининг когнитив муҳити доирасига киради.⁴ Имплицит маълумот қандай талқин қилинишидан қатъи назар, унинг асосий вазифаси маълумотни тўғри етказиш ҳамда нутқ иштирокчиларини мазкур маълумотдан воқиф қилиш кабиларни ўз ичига олади.

Ҳар қандай матнга, шу жумладан, илмий матнга ҳам муаллиф муносабати хосдир, чунки у борлиқнинг ҳар бир инсон томонидан субъектив англаш натижасидир. Э.Бенвенист сўзловчининг айтилаётган фикрга муносабатини “тилда субъективликнинг намоён бўлиши, шахс категорияларидан ташқари ҳолатларда кўринади” деб изоҳлайди. Бу муносабат кишилик олмошлари, шу мақомни оладиган олмошларнинг бошқа турлари, кўрсатиш олмошлари, равиш ва сифатлар воситасида ифодаланади. Э.Бенвенистнинг қайд этишича, сўзловчининг узатилаётган ахборотга муносабати “ўйлайманки, фикримча” каби тафаккур жараёнларини ўзида акс эттирувчи шакллар билан ифодаланиши мумкин.⁵ Шу тариқа сўзловчининг нутқ предметига муносабати фақат эксплицит (ошкора) шакллар билангина ифодаланиб қолмасдан, балки субъектни бошқа воситалар ёрдамида имплицит (яширин) кўрсатиш имконияти ҳам мавжудлигини кўрсатади. Бундай ҳолатда нутқ субъекти бевосита кўрсатилмасдан, баён адресатни муаллиф мақсадини тушунишга қаратади. Муаллиф билдирилаётган хабарга шу йўсиндаги муносабати айрим синтактик иборалар,

модал ва баҳолаш маъносидаги сўзлар ёрдамида ойдинлаштирилади.

Нутқ муаллифи ва адресатини имплицит кўрсатадиган воситалар таркибига муаллифнинг ўқувчини ҳаракатга билвосита ундашини киритиш мумкин.⁶ Маълумки, тингловчини бирор-бир ҳаракатга ундовчи буйруқ гаплар ахборотни узатувчи ва қабул қилувчининг мавжуд бўлишини тақозо этади. Аммо, илмий мулоқтда буйруқ мазмунидаги ахборот узатилаётганда иш-ҳаракат бажарувчининг шахси эмас, балки фаолиятнинг ўзи ёки илмий-тадқиқот ишида дикқат марказида турадиган маълум бир фаолият натижалари эътироф этилади. Илмий-техник матнда билвосита буйрукни ифодалаш учун хоҳиш-истакни билдирган от, феъл ёки сифат (*demand, requirement, propose, recommend, suggest, necessary, desirable, etc...*) билан боғланадиган эргаш гаплар қўлланилади. Бундай эргаш гапларнинг кесими “should” модал феъли ёки ҳозирги замоннинг субюнктив (Subjunctive) шаклида бўлади. Одатда, бош гапнинг эгаси ўрнида “it” олмоши туради. Бу ерда хоҳиш-истак бош гапда ифодаланиб, у аниқ адресатга эмас, балки барча ўқувчиларга қаратилади. Муаллиф, ўқувчига мурожаат қила туриб, маълум фаолиятнинг бажарилиши лозим ёки мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди:

a) *Note that some researchers have chosen to drop the requirement that BL Lac candidates be significantly polarized, relying instead on the overall spectral energy distribution of the sources.* [11, 785]

b) *It is recommended that an accelerator be used to measure vibrational levels...* [11, 785]

c) *It is therefore highly desirable that large-scale quantum-mechanical calculations...be performed...* [11, 91]

Юқорида келтирилган буйруқ ва “it” олмоши билан келган гаплар инклузив хусусиятга эга, яъни улар бир вақтнинг ўзида турли манфаатдор шахслар, шу

⁴ Ситдикова Ф.Б. Имплицитный смысл высказывания и его передача в переводе с татарского языка на русский. – М.: РУСАЙНС, 2020. – С.7.

⁵ Бенвенист Э. Общая лингвистика. – М.: Прогресс, 1974. – С. 296-298.

⁶ Зверева Е.А О выражении значения побудительного действия в английских научных текстах // Научная литература. Язык, стиль, жанры. – М.:Наука, 1985. – С. 217.



жумладан, муаллифга ва ўқувчига йўналтирилган. Ушбу турдаги синтактик қурилмалар илмий матнларда кўп миқдорда учраб туради, чунки улар илмий матнларда ахборотнинг умумлашган ва эгасиз маълум қилиниши хусусиятига мос келади. Бунда ўқувчи ўз билим тажрибасидан келиб чиқсан ҳолда, илмий тафаккурини ишга солган ҳолда илмий маълумотлардан воқиф бўлади.

Бундан ташқари, матннинг pragmatik мазмуни сўроқ гапларда ҳам ўз ифодасини топади.⁷ Сўроқ гапларнинг буйруқ гапларга яқинлиги шундан иборатки, иккала турдаги гаплар ҳам “tinglovchini жавоб беришга бевосита ундаиди”.⁸ Сўроқ гаплар ахборотни талаб қилиб, ўқувчи жавобининг зарурлигини тақозо этади.⁹ Семантик тавсиф сўроқ гапни гап сифатидаги сўроқнинг семантик категориясидан синтактик тушунча сифатида аниқ чегаралашни тақозо қилади, бу эса, ўз навбатида, ахборотга бўлган талабдир.¹⁰ Сўроқ гапнинг илмий матнларда қўлланиши илмий услугуб хусусиятидан келиб чиқадиган баъзи бир жиҳатлари билан фарқланади. Илмий мулоқотда сўроқ, одатда, диалогик мулоқот мақсадида эмас, балки материал баённинг ифодалилигини ошириш, ўқувчига таъсирини кучайтириш ва унинг дикқатини муаллиф фикрига жалб қилиш учун хизмат қилади. Сўроқ гаплар матн таркибида ўқувчи дикқатини фаоллаштириш, маълум қилинаётган мавзу ҳақида ўйлашга ундовчи медиатив, мунозарага тортувчи полимек, матнда гап олдиндан нима ҳақида боришини хабар қилувчи огоҳлантириш, муаллифнинг ахборотга хусусий муносабатини

кўрсатувчи модус функцияларини бажаради.¹¹ Сўроқнинг мазмуни, одатда, муаммонинг қўйилишига, тадқиқот қисмларини аниқлашга дахлдор бўлиб, бунда муаллиф ўқувчи эътиборини фактик материал тавсифига тортишга ҳаракат қилади:

d) *Second, are there differences in the chemistry of high-latitude and low-latitude clouds? [11, 661]*

e) *The question arises: does this difficulty arise because the chemical network is defective or because the physical conditions and cloud geometry differ from those identified? [11, 770]*

f) *If, in fact, streaming instability is necessary for the pulsar radiation mechanism-whether by coherent curvature or a plasma-type process will this constrain the conventional pulsar model? [11, 261]*

Юқоридаги мисолларда берилган сўроқ гаплар ўқувчи дикқат-эътиборини илмий матннинг мазмун-моҳиятида турган асосий марказга ишора қилиши билан ажралиб туради.

Кўпинча билвосита сўроқлар илмий баённинг ёзма услубига энг қулай мос тушадиган кўринишда учрайди:

j) *The question now is what information this would give us about the mass distribution. [11, 52]*

k)...the question of the collapse of homogeneous ellipsoids with angular momentum and negligible pressure and pointed out that with fixed angular momentum, the velocity field would accentuate the collapse to extended structures except when *is in his notation, h and k were equal. [11, 692]*

l) *Since it is not known whether the diffuse bands are formed by dust particles or molecules, it is not clear what this means...[11, 641]*

Мазкур мисолларда сўроқ гаплар турлича кўринишларда тасвиранганд. Бироқ, ушбу гапларнинг асосий мақсади ўқувчи дикқатини тадқиқ этилаётган масала ёки муаммога имплицит ҳолатда

⁷ Нистратова С.Л. Синтаксические средства выражения адресованности в устной научной речи // Научная литература. Язык, стиль, жанры. –М.: Наука, 1985. – С. 94.

⁸ Смирницкий А.И. Синтаксис английского языка. – М.: Изд-во лит. на иностр. яз., 1957. – С. 258.

⁹ Хайназарова М. Сўроқ гапларда шакл ва мазмун номувофиқлиги: Филол. фан. ном. дис.... автореф. – Т., 1999. – Б. 11.

¹⁰ Падучева Е.В. Высказывание и его соотнесенность с действительностью (референциальные аспекты семантики местоимений). – М.: Издательство ЛКИ, 2010. – С. 233.

¹¹ Ҳакимов М.Х. Ўзбек илмий матннинг синтагматик ва pragmatik хусусиятлари: Филол. фан. ном. дис.... автореф. – Т.: Ўз ФА ТИ, 1993. – Б. 10-11.



қаратиш билан белгиланади. Бу каби мисолларда ўқувчига олмошлар билан келган бирикмалар кўмак беради.

Муаллиф ўз фикрини бевосита ёки билвосита сўроқ тарзида ифодалаш билан ўқувчини билдирилаётган ахборотни илмий мушоҳада қилишга ва таҳлил қилишга, ушбу мулоҳаза жараёнида бор билим ва тажрибасидан фойдаланишга ундейди. Бу, ўз навбатида, қабул қилинган ахборотни ўқувчининг умумий билим мажмуасининг маълум қисмига айланишига имкон яратади:

m) An important question to be addressed in future work is: can a disk evolve to a state in which β greatly exceeds unity, which would favor fragmentation, or do instability-induced torques always

redistribute mass and angular momentum to avoid this (as apparently happens, for instance, in the evolutions calculated by Lin & Pringle 1990)? [11, 852]

Юқоридаги берилган фикрлар ҳамда мисоллардан хулоса қилиш мумкинки, нутқ шахсига ишора билвосита амалга ошади. Бундай матнларда биринчи ўринга иш-харакатни бажарувчи эмас, балки кутилаётган ҳаракатнинг ўзи чиқади. Ўқувчига мурожаат қилишнинг ушбу усулидан илмий насрда кенг фойдаланилади, чунки у сўзловчи ва тингловчини илмий услугуб хусусиятига мос тушадиган “матн ортида”, яъни имплицит кўрсатишнинг pragmatik мақсадига эришишини таъминлайди.

Адабиётлар рўйхати

1. Балли Ш. Французская стилистика. – М.: УРСС, 2001. -392 с.
2. Бенвенист Э. Общая лингвистика. – М.: Прогресс, 1974.- 446 с.
3. Зверева Е.А О выражении значения побудительного действия в английских научных текстах // Научная литература. Язык, стиль, жанры. – М.:Наука, 1985. – С. 217.
4. Нистратова С.Л. Синтаксические средства выражения адресованности в устной научной речи // Научная литература. Язык, стиль, жанры. – М.: Наука, 1985. – С. 94.
5. Падучева Е.В. Высказывание и его соотнесенность с действительностью (референциальные аспекты семантики местоимений). – М.: Издательство ЛКИ, 2010. – 296 с.
6. Ситдикова Ф.Б. Имплицитный смысл высказывания и его передача в переводе с татарского языка на русский. – М.: РУСАЙНС, 2020. – 88 с.
7. Смирницкий А.И. Синтаксис английского языка. – М.: Изд-во лит. на иностр. яз., 1957. – 284 с.
8. Хайназарова М. Сўроқ гапларда шакл ва мазмун номувофиқлиги: Филол. фан. ном. дис.... автореф. – Т., 1999. – Б. 11.
9. Ҳакимов М.Х. Ўзбек илмий матнининг синтагматик ва pragmatik хусусиятлари: Филол. фан. ном. дис.... автореф. – Т.: Уз ФА ТИ, 1993. – Б. 10-11.
10. Цвиллинг М.Я. Функциональные стили лингвометодические аспекты. –М.: Наука, 1985. -239 с.
11. The Astrophysical Journal, 1994, vol.420-422.

Шерматов А. Об имплицитных выражениях адресанта и адресата в научных текстах. В данной статье анализируются имплицитные выражения адресанта и адресата в научных текстах, роль автора речи в передаче информации, pragmaticкие взгляды на имплицитные выражения.

Shermatov A. About implicit expressions of the sender and addressee in scientific texts. This article analyzes the implicit expression of the sender and the addressee in scientific texts, the role of the author's speech in the transmission of information and pragmatic views of implicit expression.